

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг фазилатлари (учинчи мақола)



16:59 / 21.11.2023 1240

Саъд ибн Абу Ваққос Исломга биринчилардан бўлиб кирганларидек, бошқа исломий ишларда ҳам биринчилардан бўлиш у кишига насиб этди. Жумладан, ҳижратга изн берилганда Саъд ибн Абу Ваққос биринчилардан бўлиб дину диёнат, иймону эътиқод йўлида Маккадан Мадинага ҳижрат қилдилар.

Баро розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мадинага, бизнинг олдимизга биринчи келган шахс Мусъаб ибн Умайр ва Ибн Умму Мактум бўлдилар. Икковлари одамларга Қуръон ўқитишарди. Кейин Билол келди. Саъд ибн Абу Ваққос, Аммор ибн Ясир, сўнгра Умар ибн Хаттоб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йигирмата саҳобалари билан келишди. Кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам келдилар. Мадина аҳлининг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хурсанд бўлганларидек хурсанд бўлганларини кўрмаганман. Ҳатто чўрилар ҳам «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келдилар», дейишарди».

Имом Бухорий келтирган бу ривоятда биринчи номлари келаётган Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳунинг ҳижратга изн бўлишидан илгари устоз

сифатида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан юборилганларини ҳисобга оладиган бўлсак, Саъд ибн Абу Ваққос энг биринчи ҳижрат қилганлардан эканлиги маълум бўлади.

Ҳижратдан кейин бўлган барча ишларда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларида турганлардан бири Саъд ибн Абу Ваққос бўлдилар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 23-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5165 рақамли хулосаси асосида чоп этилган.